

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида Хоразм вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 4737,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 % га ўсди.

2018 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 2617,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Хоразм вилоятининг қўшган хиссаси 3,1 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

| | Млрд.сўм | | 2017 й. январь- июнга нисбатан % да |
|---|-------------------------|-------------------------|---|
| | 2017 йил январь-июнь | 2018 йил январь-июнь | |
| I. ЯҲМ | 3649,4 | 4737,7 | 104,1 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 3504,6 | 4525,2 | 104,1 |
| Маҳсулотларга соғ соликлар | 144,8 | 212,5 | 105,9 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 3504,6 | 4525,2 | 104,1 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 954,5 | 1283,3 | 102,7 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 916,8 | 1288,2 | 108,7 |
| саноат | 591,3 | 882,5 | 111,3 |
| қурилиш | 325,5 | 405,7 | 104,0 |
| Хизматлар | 1633,3 | 1953,7 | 102,3 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 294,1 | 364,9 | 102,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа бошқа хизмат тармоқлари | 383,8 | 418,5 | 104,7 |
| | 955,4 | 1170,3 | 101,3 |

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 111,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 19,5 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,4 % (8,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,7 % (9,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати – 102,7 %, (28,4 %), қурилиш – 104,0 % (9,0 %), ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 101,3 % (25,8 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-июнъ ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 95,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 4,5 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,2 % пунктга ошди ва ҳисобот йилида 28,4 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,3 % пунктга ошди ва 28,5 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йил январь-июнда 43,1 % ни ташкил этди ва 2017 йилниг шу даври (46,6 %) билан таққосланганда -3,5 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):

2017 йил январь-июнь




2018 йил январь-июнь



- Махсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,1 % ни (2017 йил январь-июнь 8,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 9,2 % ни (2017 йил январь-июнь 11,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 25,8 % ни (2017 йил январь-июнь 27,2 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**



Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йтифма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Э.Ахмедов
Тел: (0-371) 230-87-65